

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2025 йил апрель ойининг 11 куни, соат 14:30да жиноят ишлари бўйича Пастдарғом туман судининг очик суд мажлиси ўз биносида бўлиб, раислик қилувчи судья М.Ш.Эргашев, судья ёрдамчиси У.Кудратовнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Пастдарғом туман прокурори ўринбосари А.Хўжамкулов, судланувчи Ж.Бахранов ва унинг ҳимоячиси-адвокат Э.Урақов ҳамда жабрланувчини қонуний вакили Ч.Баймурадованинг иштирокида, судланувчи Бахранов Жаҳонбек Байрамовичга оид №1-1413-2501/108-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Бахранов Жаҳонбек Байрамович, 1983 йил 21 апрель куни Пастдарғом туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 1 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, вақтинча ишсиз, Пастдарғом тумани, “Бобур” маҳалласида яшаган, шу суднинг 2025 йил 8 апрель кунги ажримига кўра, қўлланилган “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чораси “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чорасига алмаштирилган, айблов далолатномаси нусхасини 12.03.2025 йил олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 122-моддаси 1-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи, жабрланувчини қонуний вакили ва гувоҳни кўрсатувини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни,-

А Н И Қ Л А Д И

Судланувчи Ж.Бахранов фуқаролик ишлари бўйича Пастдарғом туман судининг 23.06.2022 йили суд буйруғига кўра, ундирувчи Г.Рахимованинг фойдасига 27.01.2016 йилда туғилган қизи Х.Бахранованинг вояга етгунига қадар уни моддий таъминоти учун ҳар ойлик иш ҳақи ва бошқа даромадларининг 1/4 қисми миқдорида алимент пули тўлаб бериши белгиланган бўлса-да, 2022 йил 23 июнь кунидан 2024 йил апрель ойига қадар жами 12.623.215 сўм алимент пулидан бўлган қарздорликни тўлаб беришдан қасддан бўйин товлаб келганлиги учун 17.04.2024 йилда жиноят ишлари бўйича Пастдарғом туман суди томонидан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 47⁴-моддаси 1-қисми билан айбли деб топилиб, тайинланган 15 сутка маъмурий қамоқ жазосини ўтаб чиққан бўлса-да, бундан ўзига тегишли хулоса чиқармасдан, бир нафар ушбу вояга етмаган фарзандининг моддий таъминоти



учун 2024 йилнинг апрель ойидан 2025 йилнинг февраль ойига қадар бўлган даврга ҳисобланган 10.846.659 сўм алимент пуллари ями икки ойдан ортиқ муддат мобайнида қасддан тўламасдан келган.

Судланувчи Ж.Баҳранов суд мажлисида айбига тўлиқ иқрорлик билдириб берган ўз кўрсатувида, фуқаролик ишлари бўйича Пастдарғом туман судининг 23.06.2022 йилги суд буйруғига кўра, ундирувчи собиқ турмуш ўртоғи Г.Рахимованинг фойдасига 27.01.2016 йилда туғилган фарзанди Х.Баҳранованинг вояга етгунига қадар уни моддий таъминоти учун ҳар ойлик иш ҳақи ва бошқа даромадларининг 1/4 қисми миқдорида алимент пули тўлаб бериши белгилангани, бироқ 2022 йил 23 июнь кунидан 2024 йил апрель ойига қадар 12.623.215 сўм алимент пулини тўлаб беришдан қасддан бўйин товлаб келгани учун 17.04.2024 йил жиноят ишлари бўйича Пастдарғом туман суди томонидан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 47⁴-моддаси 1-қисми билан ҳуқуқбузарлик содир этган деб топилиб, 15 сутка маъмурий қамоқ жазоси тайинлангани, ушбу маъмурий қамоқ жазосини ўтаб чиққани, Мажбурий ижро бюроси Пастдарғом туман бўлими давлат ижрочилари томонидан алимент ва моддий таъминот пулларида бўлган қарздорлигини ўз вақтида тўлаши, тўламаган тақдирда жиноят иши кўзғатиш бўйича бир неча маротаба огоҳлантирилгани, оилавий шароити оғирлиги ва ҳеч қаерда ишламагани сабабли, 2024 йил апрель ойидан 2025 йилнинг февраль ойиг-а қадар бўлган даврга қадар ҳисобланган 10.846.659 сўм алимент пуллари ҳам тўлолмагани, содир қилган қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини билдириб, қонуний енгиллик беришни сўради.

Гарчанд, судланувчи Ж.Баҳранов суд терговида ўз айбига тўлиқ иқрорлик билдириб кўргазма берган бўлса-да, унинг айби қуйидаги, яъни:

-судда сўралган жабрланувчини қонуний вакили Ч.Баймуродованинг, Г.Рахимова қизи бўлиши, қизи ҳозирда ишлаш учун Россия давлатига кетгани, қизи Г.Рахимовани судланувчи Ж.Баҳранов билан 2015 йил март ойида тўйи бўлиб, 2016 йил 27 январь кунини набираси Х.Баҳранова туғилгани, фуқаролик ишлари бўйича Пастдарғом туман судининг 23.06.2022 йилги суд буйруғига кўра, собиқ куёви Ж.Баҳрановдан қизи Г.Рахимовани фойдасига бир нафар вояга етмаган фарзанди Х.Баҳрановани вояга етгунига қадар моддий таъминоти учун ҳар ойлик иш ҳақи ва бошқа даромадларининг 1/4 қисми миқдорида алимент пули ундирилиши белгилангани, лекин Ж.Баҳранов 2022 йил 23 июнь кунидан 2024 йил февраль ойига қадар 12.623.215 сўм алимент пулини тўлаб беришдан қасддан бўйин товлаб келгани учун 17.04.2024 йил жиноят ишлари бўйича Пастдарғом туман суди томонидан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 47⁴-моддаси 1-қисми билан айбли деб топилиб, унга 15 сутка маъмурий қамоқ жазоси тайинлангани, Ж.Баҳранов маъмурий қамоқ жазосини ўтаб чиққан бўлса-да, бундан ўзига тегишли хулоса чиқармасдан вояга етмаган бир нафар фарзандининг моддий таъминоти учун 2024 йил апрель ойидан 2025 йилнинг февраль ойига қадар бўлган даврга ҳисобланган жами



10.846.659 сўм алимент пулларни тўлаб бермагани, ҳозирги кунда Ж.Бахрановга нисбатан даъвоси борлигини, унга нисбатан қонуний чора кўришни ва ундирилмай қолган алимент пулларини ундириб беришни сўрагани ҳақидаги;

-гувоҳ Ш.Холмуродовнинг, Мажбурий ижро бюросининг Пастдарғом туман бўлимида давлат ижрочиси бўлиб ишлаб келиши, ҳақиқатдан ҳам фуқаролик ишлари бўйича Пастдарғом туман судининг 23.06.2022 йилги суд буйруғига кўра, судланувчи Ж.Бахрановдан ундирувчи собиқ турмуш ўртоғи Г.Рахимованинг фойдасига 27.01.2016 йилда туғилган қизи Х.Бахранованинг вояга етгунига қадар уни моддий таъминоти учун ҳар ойлик иш ҳақи ва бошқа даромадларининг 1/4 қисми миқдорида алимент пули тўлаб бериши белгилангани, ушбу ижро ҳужжати уни иш юритувида экани, Ж.Бахранов 2022 йил 23 июнь кунидан 2024 йил апрель ойига қадар 12.623.215 сўм алимент пулидан бўлган қарздорликни тўлаб беришдан қасддан бўйин товлаб келганлиги учун 17.04.2024 йил жиноят ишлари бўйича Пастдарғом туман суди томонидан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 47⁴-моддаси 1-қисми билан ҳуқуқбузарлик содир этган деб топилиб, 15 сутка маъмурий қамоқ жазоси тайинлангани, Ж.Бахранов маъмурий қамоқ жазосини ўтаб чиққан бўлса-да, бундан ўзига тегишли хулоса чиқармасдан бир нафар ушбу вояга етмаган фарзандининг моддий таъминоти учун 2024 йилнинг апрель ойидан 2025 йилнинг февраль ойига қадар бўлган даврга ҳисобланган 10.846.659 сўм алимент пулларини тўлашдан қасддан бўйин товлаб келгани, уни бир-неча бор алимент қарздорлигини тўлаши, тўламаган тақдирда жиноий жавобгарликка тортилиши бўйича огоҳлантиргани, яшаш манзилида кундалик эҳтиёжидан ортиқча бўлган мол-мулклари йўқлиги, қолаверса электрон дастур орқали ваколатли идоралардан олинган сўровномаларга кўра, номида ҳеч қандай мол-мулклар расмийлаштирилмагани аниқлангани ҳақидаги кўрсатувлари билан;

шунингдек, судланувчи Ж.Бахрановнинг айби, иш ҳужжатларида мавжуд суд терговиди таҳлил қилиниб, ўқиб эшиттирилган жабрланувчини қонуний вакили Ч.Баймурадованинг Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги мажбурий ижро бюроси Пастдарғом тумани бошлиғи номига ёзган аризаси; 23.06.2022 йилдаги фуқаролик ишлари бўйича Пастдарғом туман судининг 2-1407-2202/3011-сонли суд буйруғи, огоҳлантириш хатлари, алимент қарзини ҳисоблаш тўғрисида далолатнома, қарздорнинг мол-мулкни кўздан кечириш тўғрисида далолатнома, сўроқ баённомалари каби жиноят ишида мавжуд бошқа инкор этиб бўлмайдиган далиллар йиғиндиси билан тўлиқ ўз исботини топди.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи Ж.Бахрановнинг моддий ёрдамга муҳтож бўлган нафар вояга етмаган фарзандини моддий таъминлаш учун суднинг буйруғига биноан ундирилиши лозим бўлган маблағни жами икки ойдан ортиқ муддат мобайнида тўламасликда ифодаланган жиноий хатти-ҳаракати дастлабки тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 122-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация



қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи Ж.Бахрановнинг жиноят содир этишдаги ҳолатларини муҳокама қилиб, унинг айбига тўлиқ иқрорлиги, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги ва муқаддам судланмаганлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, қонунда назарда тутилган жазони оғирлаштирувчи ҳолатлари мавжуд эмас деб баҳолайди.

Суд, судланувчи Ж.Бахрановга нисбатан жазо тури ва меъёрини белгилашда, ЖКнинг 7, 8-моддаларида кўрсатилган инсонпарварлик ва одиллик принциплари, шунингдек Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февраль кунидаги №1-сонли “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 26-бандидаги, озодликдан маҳрум қилиш жазо тариқасида, одатда, оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этган шахсларга, алоҳида ҳолларда эса, судланувчининг шахсини инобатга олган ҳолда ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этган шахсларга нисбатан, агар бундай шахсларни жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатишнинг имкони бўлмаса қўлланилади деган тушунтиришларига риоя этиб, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, айбига иқрорлиги, муқаддам судланмагани, оилавий шароити ва шахсини инобатга олиш билан бирга, содир этилган жиноятининг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси, шунингдек жабрланувчини вакили Ч.Баймурадовани даъвоси борлиги ва алимент мажбуриятидан бўлган қарздорлигини тўламаганини ҳам эътиборга олиб, жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатиш имконияти мавжуд эмас деган қатий хулосага келиб, айбли деб топилаётган жинояти учун қонун санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлашни ва жазони манзил колонияларда ўташни белгилашни лозим деб топди.

Шу билан бирга, суд жиноят оқибатида етказилган моддий зарарни муҳокама қилиб, Олий суд Пленумининг 2009 йил 10 апрелдаги “Суд ҳужжатларини бажаришдан бўйин товлаш ҳамда суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этиш жараёнига аралашганлик учун жиноий жавобгарликка доир қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги Қарорининг 15-бандини 4-хатбошидаги, судлар ҳукм чиқарилаётганда судланувчидан суд ҳукми билан аниқланган алимент мажбуриятлари бўйича қарздорлиги билан бир қаторда, муқаддам маъмурий жавобгарликка тортилишига сабаб бўлган алимент мажбуриятлари бўйича қарздорлигини ҳам ҳисобга олиб ундиришни белгилаши шарт деб кўрсатилган тушунтиришларига риоя қилиб, бугунги кунда маъмурий жавобгарликка тортилишига сабаб бўлган 12.623.215 сўм ва суд ҳукми билан аниқланган 10.846.659 сўм алимент мажбуриятлари бўйича қарздорлигини тўламаганини инобатга олиб, судланувчи Ж.Бахрановдан жабрланувчининг қонуни вакили Ч.Баймурадованинг фойдасига жами 23.469.874 (йигирма уч миллион тўрт юз олти миш тўққиз минг саккиз юз етмиш тўрт) сўм моддий зарар ундиришни белгилашни;



-шунингдек, жабрланувчини қонуний вакили Ч.Баймурадовага етказилган бошқа моддий ва маънавий зарарларни ундириш юзасидан даъвоси бўлган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 276-моддаси 5-қисмига мувофиқ, фуқаровий суд ишларини юритиш тартибида судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлигини тушунтиришни лозим деб топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 462, 465-468, 471-473, 476-моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И

Судланувчи **Бахранов Жаҳонбек Байрамович** Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 122-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Судланувчи Ж.Бахрановга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 122-моддаси 1-қисми билан 8 (саккиз) ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазони манзил-колонияларда ўтиш белгилансин.

Жазо ўташ муддати 2025 йил 8 апрель кунидан бошлаб ҳисоблансин.

Судланувчи Ж.Бахрановга нисбатан қўлланилган “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси аслига ўзгаришсиз қолдирилсин.

Судланувчи Ж.Бахрановдан жабрланувчини қонуний вакили Ч.Баймурадованинг фойдасига 23.469.874 (йигирма уч миллион тўрт юз олтмиш тўққиз минг саккиз юз етмиш тўрт) сўм миқдорда моддий зарар ундирилсин.

Жабрланувчини қонуний вакилига етказилган бошқа моддий ва маънавий зарарларни ундириш юзасидан даъвоси бўлган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 276-моддаси 5-қисмига мувофиқ, фуқаровий суд ишларини юритиш тартибида судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлиги тушунтирилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан, судланувчи ва жабрланувчини қонуний вакили эса ҳукмнинг нусхасини олган кундан эътиборан ўн сутка ичида шу суд орқали Самарқанд вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов хайъатига апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг, кассация тартибида шикоят бериши ёки прокурор протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи судья
“Аслига тўғри”

/Имзо/

М.А.Эргашев

